



## XI-XII ASRLARDA MOVAROUNNAHR ILMIIY MUHITIDA XADIS ILMINING URNI

**Махсумхонов Рахматхон Аҳмаджонович**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти,  
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ўқитувчиси  
rmakhsun1990@gmail.com*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Абу Ҳафс Насафий яшаган давр XI-XII асрларда ҳадис илмининг ўрни, етакчи муҳаддислар ва уларнинг илмий мероси ўрганилди. Мақола мазмунини очиб беришда Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросидан кенг фойдаланилди. Хусусан, олимнинг “ал-Явоқит фил мавоқит” асари Мовароуннаҳрлик муҳаддисларни аниқлашда асосий манба сифатида кўрилди.*

**Калит сўзлар:** *Нажмиддин, сақалайн, Китоб-ул-қанд, Пазда (Базда), Заранжар, Нуҳий, Жавбақий, фарсах, Мустаффирий.*

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Луқмон ал-Ҳанафий, ан-Насафий, ас-Самарқандий (461/1068-537/1142) халқ орасида “Нажмиддин” (Дин юлдузи) ва “Муфтий сақалайн” (Инсон ва жинларнинг муфтийси) каби ном билан машҳур бўлган[1;6]. Олим яшаган давр Мовароуннаҳрда турли илмлар қаторида ҳадис илми ҳам муҳим ўринда турар эди. Ушбу даврда ҳадис илмининг қай даражада ривожлангани ҳақидаги маълумотларни икки олимнинг асарлари орқали билиш мумкин. Хусусан, Хуросонда туғилиб, Самарқандда фаолият олиб борган ҳофиз Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад Идрисий Астраободий (в.1015 й.) томонидан ёзилган “Китоб ал-комил фи маърифат ар-рижол мин уламо Самарқанд” асари XI асрга қадар муҳаддислар ҳақида маълумот берса[2;119], Абу Ҳафс Насафий томонидан ёзилган “Китоб ал-қанд” асари эса, XII асрга қадар фаолият олиб борган муҳаддисларни учратиш мумкин.

Ушбу даврдаги Мовароуннаҳр муҳаддислари ҳақида тадқиқотчи Д.Раҳимжонов ўз диссертациясида “Етакчи муҳаддислар ва ҳадис марказлари” сарловҳаси остида маълумотлар келтириб ўтган[2;119]. Олим келтирган маълумотларга эътибор берилса, уларнинг аксари XI асрда фаолият олиб борган муҳаддислар ва ўша даврдаги илм даргоҳлари эканини кўриш мумкин. XI-XII асрларда Мовароуннаҳр илмий муҳитида ҳадис илмининг қай даражада эканини билиш учун Абу Ҳафс Насафий илмий мероси асосида тадқиқот олиб бориш зарур. Зеро, олим улардан ҳадис ривоят қилиш баробарида уларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида қимматли маълумотларга эга “Китоб ал-қанд” асарини ёзган. Фикҳ илмига оид “Ҳидоя” китобининг муаллифи Имом Марғинонийнинг эътироф этишича Абу Ҳафс Насафий 550 та шайхдан ҳадис эшитган ва уларга бағишлаб “Таъдод аш-шух ли Умар мустатриф алал ҳуруф мустатир” деган



китоб ёзган[3;8]. Д.Раҳимжоновнинг изланишларига кўра ушбу китоб бизгача етиб келмаган[2;20]. Олимнинг ушбу йўналишга аталган яна бир “Татвил ал-асфор ли таҳсил ал-ахбор” деган асари бўлиб, тарожим китоби муаллифлари эътироф этишларича 550 та шайхидан айнан мана шу китобда ҳадисларни ривоят қилган[4;164]. Хусусан, Абу Ҳафс Насафий Бағдодга сафар қилган вақтида ушбу китобда жамлаган ҳадисларидан у ердаги ҳадис илми талабаларига дарс берган[5;189]. Афсуски, олимнинг устозларига атаб ёзган асарлари бизгача етиб келмаган.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Татвил ал-асфор ли таҳсил ал-ахбор” асари номланишидан келиб чиқиб ушбу асар “муснад” жанрида ёзилган дейишимиз мумкин. Чунки тарожим китоби муаллифлари Абу Ҳафс Насафий ушбу китобдан 550 та устозидан ҳадисларни ривоят қилганини келтириб ўтганлар. Агар муаллиф ҳадисларни устозларига боғлаган ҳолда келтирган ва ҳадислар алоҳида бобга ажратилмаган бўлса, муснад китоблар туркумига киради.

Олимнинг “ал-Явоқит фил мавоқит” асари бизгача етиб келгани ва уларда муаллиф устозларидан то ҳадис матнига қадар иштирок этган ровийларни келтирганидан ўша даврдаги таниқли муҳаддислар ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Абу Ҳафс Насафийнинг камол топишида Абул Юср Паздавийнинг ўрни беқиёсдир. Хусусан, “ал-Явоқит фил мавоқит” асарида ундан 99 та ҳадисни ривоят қилган. Унинг тўлиқ исми Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид Насафий бўлиб, акаси Абул Уср Али Паздавийдан кейин Мовароуннаҳр ҳанафийларининг шайхи бўлган[6;49]. Пазда (Базда) шаҳри асли кўрғон бўлиб, Насафдан 6 фарсах<sup>92</sup> узоқликда жойлашган эди.

Абул Юср Бухоро шаҳрида фақиҳ сифатида танилган ва Самарқанд шаҳрида қозилик фаолияти билан шуғулланган[7;45]. Абу Ҳафс Насафийнинг эътироф этишича Абул Юср Паздавий ўз даврининг тенгсиз олими бўлган. Ундан дарс олиш учун турли ўлкалардан талабалар келар, усул ва фуруъ илмларида ўз китоблари билан Шарқу Ғарбда танилган олим эди. Самарқанднинг қозилар раҳбари лавозимида фаолият олиб борган. Жузжония мадрасасида дарс бериб, ҳадисларни имло қилдирган. У Бухорода 493/1100 йил Ражаб ойининг 9 куни вафот этган[8;704]. Абу Саъд Самъонийнинг изланишларига кўра Абул Юср Паздавий 421/1030 йилда таваллуд топган. Ундан Усмон ибн Али Пойкандий, Аҳмад ибн Наср Бухорий, Муҳаммад ибн Абу Бакр Сангий, Абу Ражо Муҳаммад ибн Муҳаммад каби муҳаддислар ҳадис ривоят қилган. Самъоний унинг устозларини келтириб ўтмаган[6;49]. Қўлимиздаги “ал-Явоқит” асари орқали Абул Юсрнинг устозлари ким бўлганини аниқлаш мумкин. Унга кўра Абу Юср қуйидаги устозларидан ҳадис ривоят қилган: Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд Ҳусайний, Абу Наср Аҳмад ибн Абдуллоҳ Хайроҳарий, Абу

<sup>92</sup> Фарсах – 5.76 км.га тенг узунлик ўлчови.



Наср Ҳасан ибн Абдулвоҳид Шерозий, Абул Қосим Ҳасан ибн Муҳаммад Хоқоний, Абу Тоййиб Тоҳир ибн Ҳусайн Мутуъий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Саффор, Абу Саҳл Абдулкарим ибн Абдурахмон Калабозий, Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад, Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад Розий Бажалий. Ушбу олимлар ўз даврининг кўзга кўринган муҳаддислари бўлган[9].

Унинг ҳузурида Абдулкарим ибн Муҳаммад, “ат-Тухфа” китобининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий ва ўғли Абул Маъолий Аҳмад фақиҳлик даражасига етган[10;98]. Самъонийнинг қайд этишича Абул Маъолий Аҳмад отаси Абул Юсрдан Марв шаҳрида ҳадислар ривоят қилган. Бу пайтда у ҳаж сафарига кетаётган бўлган[10;99]. Бундан маълум бўладики, ушбу даврда маълум жойга келган таниқли олимдан илм олиб қолишга қаттиқ эътибор берилган. Абу Ҳафс Насафий устози Абул Юсрдан ҳадисларни ўттиз ёшигача бўлган вақтда эшитиб, ёзиб олган.

Ушбу даврнинг кўзга кўринган муҳаддисларидан бири Абу Муҳаммад Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нуҳ Нуҳий бўлиб, Абу Ҳафс Насафий ундан “ал-Явоқит фил мавоқит” асарида 82 та ҳадис ривоят қилган. Шунингдек унинг укаси қози Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммаддан эса, 49 та ҳадис ривоят қилган. У 433/1042 йил шаъбон ойида туғилган ва 518/1124 йилда Насафда вафот этган. Ўз даврининг фақиҳи ва олими бўлиб танилган ва хатиблик мансабига тайинланган. Ушбу оиланинг “Нуҳий” деб аталиши уларнинг Нуҳ деган боболарига нисбатан ишлатилган. Абул Аббос Мустаффирийдан ҳадисларни ривоят қилган[11;157,202]. Абу Ҳафс Насафий ривоят қилган ҳадисларда уларнинг устозлари қаторида отаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим Нуҳий, Абул Фазл Зайд ибн Ҳамза Ҳусайний Заранжарий, Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсий, Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад Розий, Абдулазиз ибн Аҳмад Ҳалавоий каби фақиҳ ва муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳафс Насафийнинг ҳадис илмидаги устозларидан яна бири Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Риғадмуний бўлиб, “ал-Явоқит фил мавоқит”да ундан 71 та ҳадис ривоят қилган. Олим 414/1023 йил шаввол ойида туғилган ва 493/1100 йил рамазон ойида Бухорода вафот этган. Унинг Риғадмуний деб аталишининг сабаби асли Бухоро қишлоқларидан бири бўлган Риғадмун деган жойлик бўлган. Бу қишлоқ Бухородан 4 фарсах узоқликда бўлган[12;114]. Бухоро қозиси лавозимига тайинланган ва халқ орасида “қози жамол” (гўзал қози) деган ном билан машхур бўлган. У Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Фазл Хайзоҳазийдан ҳадислар ривоят қилган. Ундан эса, Абу Бакр Абдурахмон Муҳаммад Найсобурий, Абул Қосим Маҳмуд ибн Абу Тавба Вазир каби шогирдлари ҳадис ривоят қилган[11;435]. Абу Ҳафс Насафий ривоят қилган ҳадисларда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Аббос, Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Фазл Хайзоҳазий, Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад каби муҳаддисларнинг ҳаволаси



билан ҳадисларни ривоят қилган. Хусусан, ўша ривоятларнинг бирида Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмаддан 420/1029 йил ражаб ойида ҳадисларни ёздирди дея келтирган[9;64б]. Бундан маълум бўладики у 6 ёшиданоқ ҳадислар эшитишни бошлаган ва бу устози унинг илк устозларидан бири бўлган.

Ушбу даврнинг кўзга кўринган муҳаддисларидан яна бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Али Жавбақий Насафий бўлиб, Абу Ҳафс Насафий “ал-Явоқит фил мавоқит” да ундан 52 та ҳадис ривоят қилган. Абу Ҳафс Насафий “Китоб ал-қанд” асарида таъкидлашича у 493/1100 йилда Насафда вафот этган[8;342]. “Ал-Явоқит фил мавоқит” даги маълумотларга таяниб унинг устозлари қаторида Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ва Абул Аббос Мустаффирийларни келтириш мумкин. Абу Ҳафс Насафий ривоят қилган ҳадисларнинг 51 таси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нуҳ орқали, биттаси Абул Аббос Мустаффирийдан ривоят қилинган.

Хулоса қилиб айтганда ушбу даврда ҳадисларни ривоят қилиш, ҳадис айтиш ёки ёздириш анъаналари сақланиб қолган. Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар томонидан ҳадислар тўпланиб бир китоб ҳолига келтирилган бўлсада, уларнинг услублари сақланиб қолган эди. Шунингдек, ушбу даврда фикҳ илми кенг тарқалганига қарамай талабалар ҳадисларни устозларидан ёзиб олганлар ва улар ҳам ўз навбатида шогирдларига етказганлар. Бу фикрнинг тасдиқини Абу Ҳафс Насафийнинг ҳадисларни ривоят қилишидаги услубида кўриш мумкин.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Аллоқулов А. Абу Ҳафс Насафий. Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси. 2021. Б. 6.
2. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий ва унинг “Китоб ал-қанд” асари / монография. Т.:Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020. Б. 119.
3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд/ Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. –Б. 8.
4. Қосим Ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим. Байрут: Дор ал-қалам, 1992. Б. 164
5. Абдулҳай ибн Аҳмад Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. Дамашқ: Дор ибн Касир, 1986. Ж. 6. Б. 189.
6. Шамсиддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. Ж. 19. Б. 49.
7. Хайридин Зирклий. Ал-Аълом. Байрут: Дор ал-илм лил-малойийн, 2002. Ж. 15. Б. 45.
8. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд. Юсуф ал-Ҳодий таҳқиқи. Техрон: Мирот-ут-турос. 1999. Б. 704.



9. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Явоқит фил мавоқит. Қўлёзма: ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. АР-3176.
10. Муҳйиддин Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир-ул-мудийя фи табақот-ил-ҳанафийя. Миср: Дор Ҳажар, 1993. Ж. 4. Б. 98.
11. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий. Ат-Табақот-ус-санийя фи тарожим-ил-ҳанафийя. Риёз: Дор-ур-Рифоъий, 1983. Ж. 2. Б. 157, 202.
12. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб. Дамашқ: Дор ал-фикр, 1988. Ж. 3. Б. 114.